

Meros

№ 2/2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ 80 ЁШДА

Ҳасаний М. Бугун бизда *(ЎзР Фанлар академияси ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг 80 йиллигига бағишланади)* қўшалоқ байрам 3

Каримова С. Шарқшунослик институти 80 йиллик тарихидан ёрқин лавҳалар 7

МАНБАШУНОСЛИК

Азимов Х. Хитой манбаларида Марказий Осиё ва Хитой савдо алоқаларига оид маълумотлар (милоддан аввалги II – милодий XI асрлар)..... 74

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Якубов Қ. Хоразм солиқ тизимида вақф ерлари (XIX аср охири – XX аср бошлари) 83

Абдурасулов Х. Из истории караван-сараев Туркестанского генерал-губернаторства 95

Базарбаев А. Туркистонда мулк ва жамоа ерларининг ҳуқуқий ҳолати (XIX аср – XX аср бошлари) 106

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Жўраев Ж. “Туҳфаи Сомий”даги Темурий шаҳзодаларга оид маълумотлар 120
Турсунов Р. Фузулий ғазалига Ғозий татаббуъси: икки шоир – икки талқин 134
Эшонова С. Нодира туркий девонларининг ЎзРФА Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзмалари матний қиёси 145

ИСЛОМШУНОСЛИК

Усмонов И. Ҳаким Термизийнинг фиқҳга оид қарашлари 159
Муҳаммадаминов С. XVII аср Марказий Осиё *жўнг* тўпламларида *уруш диёри* масаласи 173
Хуснутдинов Ф. Исламская литература для эмигрантов из Советской Средней Азии. «Книга о паломничестве» Саййида Махмуда Тарази (1895–1991) 188

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н., Алимова Л. К истокам женского образования в Китае и Корее (конец XIX – начало XX вв.) 206

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2023 йил 27 декабрдаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов *(Бош муҳаррир)*
Сурайё Каримова *(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Салимахон Эшонова *(Масъул котиб)*
Наталья Каримова *(Рус тили муҳаррири)*
Акрам Ҳабибуллаев *(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)*
Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин *(Германия)*
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек *(Туркия)*
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail*: beruni1@academy.uz*

22.12.2023 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №:16-23. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилд и.

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Қ. Якубов

Хоразм солиқ тизимида вақф ерлари (XIX аср охири – XX аср бошлари)

Солиқ тизими мулкчилик турлари, ерга эгалик шакллари ва ундан фойдаланиш асослари билан чамбарчас боғлиқдир. Хива хонлигининг Қўнғиротлар сулоласи (1770–1920) ҳукмронлиги давридаги фискал муносабатлар масаласи ҳозирга қадар кўплаб мутахассислар томонидан муайян ракурс ва контекстда ўрганилган [5; 11; 4; 7; 2; 1]. Аммо ҳанузгача хонлик солиқ тарихининг баъзи жиҳатларига тўлақонли ойдинлик киритилмаган. Хусусан, солиқ тизимида вақф ер эгалиги, мазкур мулк турининг фискал мақоми ва вақф мулкларининг муайян молиявий амалиётлардан кейинги ҳолати каби жиҳатларни тадқиқ этиш эҳтиёжи мавжуд.

Биз томондан яқинда аниқланган тарихий ҳужжатларнинг таҳлили юқорида зикр этилган масалаларга муайян даражада ойдинлик киритишга хизмат қилади. Мазкур мақола доирасида асосий эътибор вақф мулки билан боғлиқ олди-сотди ҳужжатининг тадқиқотига қаратилади ва унинг бошқа шу турдаги ҳуқуқий актлар билан ўзаро қиёсий таҳлили амалга оширилади. Шунингдек, Марказий Осиё фақиҳлари томонидан ишлаб чиқилган мулкчилик масаласига оид ҳукмнинг XVII асрдан бошлаб Усмонийлар империяси қонунчилигига амалиёт сифатида киритилиши ва Марказий Осиё, хусусан, Хоразм ҳуқуқ тизимида ҳам мазкур ҳукмдан XIX аср давомида амалда фойдаланилгани ўзаро маданий таъсир контекстида тадқиқ этилади. Ушбу мақола доирасида қуйидаги саволларга жавоб излашга ҳаракат қиламиз: *Эгалик ҳуқуқининг ўзгариши фискал ва*

давлат олдидаги мажбурият масалаларига қандай таъсир ўтказган? Хива хонлигида вақф ерларининг фискал мақоми аслида қандай бўлган? Шариатга кўра вақф мулкини сотиш зид ҳисобланса, у ҳолда олди-сотди амалиёти объекти бўлган вақф ерларига оид ҳужжатларнинг мавжудлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Хива хонлиги, умуман Марказий Осиёда солиқ тизими ва у билан бевосита боғлиқ масалалар, хусусан, ерга эгалик муносабатлари, мулкчилик турларининг ривожланиш жараёнлари ҳанузгача кўплаб мутахассислар эътиборини жалб этиб келаётган, мураккаб ва баҳсли масала ҳисобланади [22; 20; 16; 1][1]. Тадқиқотчи Улфат Абдурасулов ҳақли равишда қайд этганидек, марказий ҳокимиятнинг ер ва сув тақсимотидаги турли даражадаги иштироки, ерга эгалик ва унинг эволюциясига оид мавжуд ҳуқуқий амалиётларнинг мусулмон ҳужжатларида тўла намоён бўлмаслиги ҳамда рус мустамлака маъмурлари томонидан ерга эгалик муносабатлари ҳақидаги дискурсларга сезиларли таъсири кабилар [1: 32] муаммонинг мураккаблигини келтириб чиқарган. Мазкур сабабларга қўшимча сифатида Қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлигининг илк даврида Хива хонлигида солиқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик даркор. Ўз навбатида, XIX аср бошида хонлик солиқ тизимида рўй берган ўзгаришлар ҳақида 1873 йилда рус қўшини таркибида ўлкага келган шарқшунос мутахассис Александр Кун (1840–1888) тадқиқотида тўхталиб ўтилган [9]. Жумладан, Александр Кун Хива хонлигининг солиқ тизими ўзига хос эканлиги ҳамда солиқларнинг пул кўринишида йиғилиши билан Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигидан ажралиб туришини қайд этган. Шунингдек, у Хива хонлигида амалда бўлиб турган солиқ турларини таснифлаган ҳолда Муҳаммад Раҳимхон I (1775–1825; ҳукмронлик йиллари 1806–1825) даврида амалга оширилган солиқ соҳасидаги ислоҳотни алоҳида эътироф этган. А. Кун маълумотларига кўра, солиқ ислоҳотидан олдин хонлик ҳудудида ерлар анъанавий равишда икки тур – ушрий ва харожийга бўлинган ҳамда Кат, Шоҳобод, Кўҳна Урганч, Хива ва Ҳазорасбда жойлашган деҳқончилик ерларидан ушр

[1] Замонавий тадқиқотчилар орасида Флориан Шварц илк бора Марказий Осиё, хусусан, Бухоро амирлигида ерга эгалик қилишнинг ҳуқуқий ва фискал динамикасига алоҳида эътибор қаратиб, бу илмий муаммонинг ҳанузгача мураккаб ва мавҳум қолаётганининг сабабларини изоҳлашга интилган. Қаранг: [22: 33-42].

солиғи олинган. Кейинчалик, мазкур ҳудудлар аҳолиси хонга мурожаат этиб, ушр солиғи ўрнига муайян пул кўринишидаги солиқ турининг жорий этилиш ташаббуси билан чиқадилар. Муҳаммад Раҳимхон I аҳолининг арзини қаноатлантириб, пул билан йиғиладиган солғут солиқ турини жорий этади [9]. А. Кун солиқ ислоҳотининг харожий ерларга таъсири борасида аниқ маълумот келтирмаса-да, бироқ мавжуд архив ҳужжатлари ислоҳот бу турдаги ерларни ҳам четлаб ўтмагани ва улар ҳам солғут манбасига айланганига ишора қилади[1]. Хўш, солиқ соҳасидаги мазкур ислоҳот ўша даврда яратилган қозилик ёки девонхона ҳужжатларида қай даражада акс этди? Мазкур саволнинг жавоби хонликдаги фискал муносабатлар билан боғлиқ кўплаб масалаларга ойдинлик киритиш учун хизмат қилади. Биз қуйида мазкур жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Ўзининг мазмуни ва таснифига кўра олди-сотди туридаги амалиётни акс эттирувчи ҳужжат 1328 йилнинг 14 жумоди ал-аввал/ 1910 йилнинг 22 майида Аллоҳберган, Аллоҳёр ва котиб мулло Саййидбек ҳожи гувоҳлигида қози домулло Муҳаммадсалим охунд муҳри билан расмийлаштирилган [13]. Матнда сотувчи сифатида Қиличниёз валад Қурбонниёз халифа валад Жумъакелди зикр этилиб, у Янгиариқнинг Каттабоғ мавзеи, Поянда масжид қавмидан[2] эканлиги қайд қилинган. Шунингдек, матнда ҳужжатшунослик анъанасига мувофиқ ҳолда сотувчининг ташқи кўриниши ва ёши кабилар ҳам акс этган. Жумладан, иқрор қилувчи (сотувчи) "*буғдой ранг, ўрта бўйли, чол соқол ва 65 яшар*" эканлиги алоҳида зикр этилган. Ўз навбатида, ушбу амалиётда харидор бўлиб Ибодуллоҳ валад Абдуллоҳ исмли шахс қатнашган ва унинг идентификацияси, яъни ёши ва ташқи кўриниши билан боғлиқ маълумотлар юқорида келган сотувчи ҳақидаги қайдлардан фарқли равишда, бу турдаги молиявий келишувлар талабларига мос ҳолда келтирилмаган.

Матннинг кейинги ўрнида олди-сотди объекти ҳисобланган мулк ҳақида батафсил маълумотлар акс этган. Унга кўра, "*...амала ва*

[1] Умуман олганда, Хива хонлигида нафақат пул, балки маҳсулот кўринишида ҳам солиқ ундириш амалда бўлган. Бу ҳақида мазкур мақоланинг тадқиқот асоси бўлган тарихий ҳужжатда ҳам бевосита ишорани кўриш мумкин. Батафсил қаранг: [9; 3: 33-34].

[2] Хива хонлигида энг кичик маъмурий-ҳудудий бирлик масжид қавми деб аталган. Қаранг: [15: 146].

сукния[1] *нисфи мушоъ тахминан уч таноб ер*...” харидор Ибодуллоҳ валад Абдуллоҳга сотилган ва мазкур ер майдони сотувчи истиқомат қилувчи, юқорида қайд этилган масжид қавмида жойлашгани эътироф этилган [13]. Ҳужжатда ернинг ўзи эмас, балки унинг *амала ва сукния*си сотилаётганига урғу берилган. Шу ўринда фиқҳга оид асарларнинг зироат ва мерос масалаларига бағишланган қисмларида тез-тез учрайдиган, юқорида зикр этилган махсус иборалар ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратиш муҳим саналади. *Амала* сўзи ушбу контекстда “кўчар мулк” маъносида қўлланилган [8: 649]. *Сукния* атамаси орқали эса давлат (шунингдек, хусусий ёки вақф) ерларида ишловчи шахсга тегишли бўлган (ер устидаги) бинолар, иншоотлар, экинлар, кўп йиллик ўтлар ва ҳатто буғдой тушунилган [6: 33; 10: 129–130]. Мазкур ишоралардан сотувчи Қиличниёз валад Қурбонниёз халифа тахминан 3 таноб ернинг устида бўлган, кўчар ва кўчмас турдаги мулкларнинг эгаси ҳисобланган. Ўз навбатида, ҳужжатда *нисфи мушоъ* атамаси ҳам зикр этилган бўлиб, у орқали “тақсимланмаган умумий *(фойдаланишдаги – Қ.Я.)* мулкнинг ярми” англашилган [8: 659]. Кўпинча бу турдаги мулк ва эгалик шакли мерос тақсимоти натижасида юзага келган. Шу ўринда яна бир жиҳатни изоҳлаш лозим ҳисобланади. Жумладан, *нисфи мушоъ* атамаси ернинг ўзига нисбатан эгалик ҳуқуқи маъносида қўлланилганми ёки ер устидаги кўчар ва кўчмас турдаги мулкка? Бир қарашда бу атама ерга ёки ер устидаги мулкка ёхуд ҳар иккисига нисбатан ҳам тегишли, деб ҳисоблаш мумкин. Бошқача айтганда, ер ёки ер устидаги мулк ёхуд ҳар иккисига ҳам умумий шерикчилик асосида эгалик қилинган бўлиши мумкин. Бироқ, бошқа шу турдаги ҳужжатда келган жумла асосида эгалик ҳуқуқининг қайси мулк турига тегишли эканлигини аниқлаш имкони туғилади. Хусусан, 1277 йилнинг зул-ҳижжа/1861 йилнинг июнида расмийлаштирилган олди-сотди ҳужжатида сотилаётган объект “*...нисфи мушоъ тахминан минг икки юз таноб*...” тарзида қайд этилган [14]. Юқоридаги ҳужжатда эса мазкур иборавий конструкция, яъни “*нисфи мушоъ тахминан”* жумласидан олдин *“амала ва сукния”* изоҳловчиси келган. Демак, “*нисфи мушоъ*”

[1] Бу ўринда “нисфи мушоъ” иборасини ўзидан олдин келган “амала ва сукния” билан ўзаро изофа занжири орқали боғламадик.

ибораси ер устидаги мулкка эмас, балки катта эҳтимол билан ернинг ўзига тегишли бўлган.

Олди-сотди ҳужжатида ер майдонининг тўрт томондан чегараси келтирилиб, мулкнинг харид нархи 151 тиллони ташкил этгани қайд этилган. Шунингдек, ер устидаги мулкларнинг олди-сотдиси орқали мазкур ер билан боғлиқ давлат олдидаги солиқ ва мажбуриятларнинг бир шахсдан иккинчисига ўтиши ҳам кузатилади. Жумладан, ушбу савдо келишувида бу ҳолат қуйидаги тартибда акс этган: "... *маҳдуда-и мазкуранинг қозу ва салғут-и маъунат-и подшоҳийлари муқирр-и лаҳу-йи мазкурнинг зиммасиға турур анинг қабули била...*" [13].

Ҳужжатда ҳудудлари келтирилган ернинг подшоҳлик таъминоти учун манба ҳисобланган солғут ва қазу билан боғлиқ солиқ ҳамда мажбуриятлари харид қилувчи шахс (қайсики, унинг фойдасига иқрор қилинган)га унинг ихтиёрига кўра ўтгани таъкидланган. Шу ўринда юқорида зикр этилган, янги солиқ тури сифатида амалга киритилган "солғут" атамасига алоҳида эътибор қаратиш илмий муаммонинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Мазкур тадқиқотнинг марказий бирламчи манбаси ҳисобланган олди-сотди каби қозилик ҳужжатларидан ташқари, тархон ёрлиқлари ва солиқ дафтарларида солғут ҳақида маълумотлар учрайди. Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлигининг дастлабки даврида солғут ер солиғининг жорий этилишидан аввал амалда бўлган харож (шунингдек, ушр) солиғи, у(лар)нинг миқдори ва ундириш тартиби ўша даврга оид бирламчи манбалар, хусусан, тарихий ҳужжатлар асосида аниқланиши мумкин. Ана шундагина хонлик солиқ тизими динамикасини тўлиқ кузатиш имконияти пайдо бўлади. Бироқ, ҳозиргача биз томондан Арабшоҳийлар даврига оид ва Қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлигининг дастлабки декадаларини қамраб олган, ўзида фискал муносабатлар тарихининг баъзи жиҳатларини намоён этувчи тарихий ҳужжатлар аниқланмаган. Фақат тархонлик ёрлиқларигина ҳозирга қадар сақланиб қолган. Жумладан, тархонлик ёрлиқлари орасида 1099/1688 йилда Арангхон (ваф. 1688; ҳукмронлик йиллари 1686–1688) муҳри билан тасдиқланган тарихий ҳужжатни келтириш мумкин. Ёрлиқ мазмунига кўра, Мулло Муҳаммад Бобо халифа, унинг ўзи, отаси ва ака-укалари ҳамда ўғил фарзандлари турли солиқ ва мажбуриятлар қатори *солғут*дан ҳам озод этилган [17: 14–16]. Шунингдек, бундай тархон

ёрлиқлари янги сулола даврида Муҳаммад Раҳимхон I, Муҳаммад Аминхон (1817–1855; ҳукмронлик йиллари 1845–1855) ва Саййид Муҳаммадхон (1823–1864; ҳукмронлик йиллари 1856–1864) каби ҳукмдорлар номлари билан ҳам расмийлаштирилган. Масалан, 1225/1810 йилда Муҳаммад Раҳимхон I амри билан ёзилган ҳамда кейинчалик Аллоҳқулихон ва Раҳимқулихон муҳрлари билан қайта тасдиқланган тархонлик ёрлиғида 10 нафар хожалар авлоди турли солиқ ва йиғимлар қатори солғут ер солиғи тўлашдан озод этилган [17: 21–22]. Иккинчи туркум манбалар, яъни солиқ дафтарлари орасида ҳозирги кунгача сақланган, даврий жиҳатдан энг қадимги солиқ дафтари 1824–1825 йилларда[1] тузилган бўлиб [12], у табиийки, солиқ ислоҳотидан кейинги давр маълумотларини ўзида акс эттиради. Шу боис, мазкур икки сулола даврида тузилган тархонлик ёрлиқларига таянган ҳолда ер солиғи аввалдан “солғут” номи билан ҳам амалда бўлгани ва кейинчалик XIX аср бошида Хива хонлиги солиқ тизимида юз берган ислоҳот натижасида у расмий солиқ турининг номи сифатида атала бошлаган, деган хулосага келиш мумкин.

Тадқиқотимиз марказий объекти ҳисобланган иқтисодий битим мазмунидан келиб чиққан ҳолда эгалик (шунингдек, ердан фойдаланиш) ҳуқуқининг олди-сотди амалиёти орқали бошқа бир шахсга ўтиши билан ушбу мулк (ёки ҳуқуқ) орқали юзага келадиган фискал муносабат ва мажбуриятлар ҳам харидор зиммасига юкланганини кўриш мумкин.

Матннинг кейинги ўрнида ернинг ҳуқуқий ва ҳақиқий эгаси ҳақида ҳам ишоранинг мавжудлиги эътиборга моликдир. Хусусан, мазкур 3 таноб ер “Қултуқмурод иноқ мадрасасининг даҳяк мавқуфаси” эканлигига урғу берилган [13]. Ушбу қайд икки жиҳати билан муҳимдир. Биринчидан, мазкур жумла орқали ер амалда мадрасанинг қўл остидаги вақф мулки бўлгани аён бўлади. Юқорида зикр этилган *нисфи мушоъ* атамасининг ерга нисбатан тегишли эканлиги инобатга олинса, Қултуқмурод иноқ мадрасаси ернинг ярмигагина эгалик қилган бўлиши мумкин. Ерга эгалик ҳуқуқининг қолган ярми кимга тегишли эканлигига ҳужжатда аниқлик киритилмаган. Иккинчидан эса, вақф ерининг йиллик музораъ ҳақи

[1] Мазкур йиғмажилд “Аҳолидан солғут ҳисобига йиғилган пул (тилла) ҳисоби ва у(лар)нинг сарфланиши” деб қайд этилган.

жами ҳосилнинг 1/10 қисми эканлигини англаш мумкин. Ҳужжат матнида келган мазкур маълумотлар турли хил муносабатларга ойдинлик киритади. Аввало вақф ерларидан ҳам давлат фойдасига солиқ ундирилиши мумкинлиги ва мажбуриятларни бажариш вақф ери устидаги мулкка эга шахс ёки уни ижара/музораъ (юқоридаги ҳужжат мисолида музораъ) асосида ишловчи ижарачи/коранда зиммасида эканлиги аён бўлади. Ушбу жиҳат тарихшуносликда вақф ерларидан солиқ олинмаслиги ёки мулклар вақфга айланиши билан солиқдан озод этилиши ҳақидаги мавжуд қарашларнинг асоссиз эканлигини тасдиқлайди. Шу ўринда, америкалик тадқиқотчи Роберт Макчесни бу борадаги фикрини келтириб ўтиш лозим. Унга кўра, мусулмон ўлкаларида марказий ҳокимият вақф мулкларини солиққа тортган ҳолда улардан ҳам моддий манфаат сақлаб қолишга интилган [19: 14–15]. Турли хил вақф амалиётлари таҳлилига кўра, мулклар вақфга айланишидан олдин солиқ олинадиган мулк мақомида бўлса, улар вақф сифатида таъсис этилиши билан мазкур мулкларнинг ушбу фискал ҳолати ўзгармайди. Аксинча, солиқлардан озод этилган мулклар, хусусан, ер майдонлари вақф қилингач, улар ўзларининг мазкур фискал имтиёзини сақлаб қолади. Ўз навбатида, “Фатаво-йи Оламгирия” фиқҳий манбасига кўра, вақф қилувчи шахс солиқ объекти бўлган мулкини қабристонга айлантирса, шунингдек, савдо объекти ёки қурилган уйини қабристон фойдаси учун вақф қилса, мазкур мулклар харож тўлашдан озод этилади [19: 14–15]. Демак, солиқ ва давлат мажбуриятлари нуқтаи назаридан вақф таъсис этиш жараёнида мазкур истисноларни инобатга олиш ҳам муҳим саналади.

Вақф ижара ҳақи даромад(ҳосил)нинг 10 %ини ташкил этишининг ҳужжат матнида алоҳида эслатма сифатида зикр этилгани ушбу мулк устида эгалик ва фойдаланши ҳуқуқининг мураккаб жиҳатлари мавжуд бўлганини намоён этади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, харидор амала ва сукниянинг хариди орқали нафақат уларга нисбатан эгалик ҳуқуқини, балки амалда ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритган. Бунинг эвазига у солиқ тўлаш, давлат мажбуриятларини бажариш ҳамда вақф муассасасига даромад (ҳосил)нинг 1/10 қисмини тўлашни ўз зиммасига олган. Шу ўринда, тадқиқотчи Паоло Сартори томонидан яқинда нашр этилган монографияда ҳам мазкур масала, яъни ер мулки устидаги мураккаб

муносабатлар тизими ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, XVIII–XIX асрларда “милк” атамаси орқали ернинг ўзига эгалик қилиш маъносида эмас, балки (ушбу ердан олинган) маҳсулотга нисбатан эгалик мазмуни англашилган. Демак, мулкий муносбатлар тизимида (ер устидаги) маҳсулотга нисбатан “ко-доминион” яъни “биргаликда ҳукмронлик қилиш” амалиёти ҳукм суриб, унга кўра мамлакат ҳукмдори, ер эгаси ва ижарачи ер устидаги фойдаланиш ҳуқуқига биргаликда эга бўлганлар ҳамда ерда етиштирилган маҳсулотга нисбатан ҳам ҳиссадор мақомида бўлишган [21: 160]. Бироқ бошқа томондан ер мулкига нисбатан ҳукмдор (ёки давлат) солиқ масаласида ҳамда ернинг эгаси (вақф муассасаси ёки муайян шахс) ва ер устидаги мулк эгаси (ижарачи) эгалик муносабатлари доирасида ўзаро алоқадорликка эга бўлганлар. Бизнинг фикримизча, ушбу уч турдаги алоқадорлик ердан фойдаланишдаги ҳиссадорлик мақоми ва маҳсулотдан олинадиган муайян фоиз кўринишидаги даромадни амалда акс эттирмай, балки ҳосилдорликдан қатъи назар олдиндан белгиланган улушни намоён этган.

Вақф ерлари устидаги мулкларга эгалик ва охир-оқибат амалда фойдаланиш ҳуқуқининг шу тартибда ўтиши бошқа мусулмон ўлкаларида ҳам кузатилган амалиёт бўлган. Масалан, Усмонийлар империясида XVII–XIX асрлар давомида худди шундай ҳолат амалда бўлган. Хусусан, ижарачи/чорикор меҳнати билан давлат ёки вақф ерида қурилган иншоотлар, тузатиш ишлари ва дарахтлар ижарачи/чорикор мулкига айланган ҳамда ушбу эгалик ҳуқуқи – “*кирдор*” деб аталган. Аҳамиятли жиҳати, маъно-мазмунига кўра деярли *сукния*нинг муқобили ҳисобланган *кирдор* атамаси илк бор Марказий Осиё фақиҳлари томонидан қўлланилган [18: 107]. Мазкур жиҳат Марказий Осиё минтақаси фақиҳлари томонидан киритилган фиқҳий назариянинг Усмонийлар империяси ҳуқуқ амалиётига татбиқ этилганини ҳамда ўзаро маданий таъсир кейинги даврлар, хусусан, сўнгги ўрта асрларда ҳам сақланиб қолганига ишора қилади.

Умуман олганда, Марказий Осиё, жумладан, Хоразм минтақасида ерга эгалик шакллари ва турли хил ерларнинг фискал мақомини аниқлаш мураккаб масалалардан ҳисобланади. Олди-сотди туридаги тарихий ҳужжатлар ва вақфга оид нотариал актлар тадқиқи

нафақат мазкур илмий масалалар ечими, балки кишилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва вақф мулкчилиги тарихини ўрганишга хизмат қилади. Шунингдек, солиқ ва мулкка оид турли атамаларнинг махсус тадқиқоти ҳамда уларнинг бошқа мусулмон ўлкалардаги муқобиллари билан қиёсий таҳлили солиқ ва эгалик муносабатларини янада яхшироқ тушуниш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурасулов У. Правовая и фискальная динамика землевладения в Хорезме (XIX – начало XX в.) // Восток- ORIENS, 4 (2015). С. 32–46.
2. Брегель Ю.Э. К изучению земельных отношений в Хивинском ханстве (источники и их использование) // Письменные памятники Востока. Историко-филологические исследования. Ежегодник 1969. Москва, 1972. С. 28–103.
3. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса / Составил ген. штаба кап. Гиршфельд. Переработано нач. Аму-дарьинского отд. ген. майором Галкиным. Ташкент. Часть II, 1903.
4. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент, 1957.
5. Иванов П.П. «Удельные земли» Сейид-Мухаммед-хана хивинского (1856-1865). В порядке постановки вопроса о так называемых ханских землях в Средней Азии // Записки Института востоковедения Ан СССР. Москва–Ленинград, 1937. Т.6. С. 27–59.
6. Иванов П.П. Хозяйство джуйбарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI–XVII вв. Москва–Ленинград, 1954.
7. Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. Тошкент, 1959.
8. Каталог хивинских казийских документов XIX – начала XX вв. / Сост. А. Урунбаев, Т. Хорикава, Г. Джураева, К. Исогай. Ташкент – Киото, 2001.
9. Кун А.Л. Заметки о податях в Хивинском ханстве // Туркестанские ведомости, 1873, № 32.

10. Мукминова Р.Г. К изучению среднеазиатских терминов тагджа, сукнийат, ички // Письменные памятники Востока. Историко-филологические исследования. Ежегодник 1968. Москва, 1970. С. 126–134.
11. Сазанова М.В. Земельные отношения в Хивинском ханстве в XIX веке / Дисс. … канд. ист. наук. Ленинград, 1946.
12. Ўзбекистон Миллий архиви (кейинги ўринларда ЎзМА), И–125-фонд, 2-рўйхат, 522-йиғмажилд.
13. ЎзМА, И–125-фонд, 1-рўйхат, 489-йиғмажилд.
14. ЎзМА, И–125-фонд, 2-рўйхат, 577/45-йиғмажилд.
15. Якубов Қ. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида Хива хонлигида вақф институти (тарихий-манбашунослик таҳлили) / Тарих фан. б. фалс. доктори (PhD) ... дисс. Тошкент, 2018.
16. Abdurasulov U. Atā'ī-Mulk and Yārlīqlī-Mulk: Features of Land Tenure in Khiva // Der Islam. Vol. 88. Issue 2, 2012. Brill, 2013. P. 308–323.
17. Bregel Yu. Documents from the Khanate of Khiva, 17th–19th Centuries. Issue 40 of Papers on inner Asia: Central Asia. Indiana University, Research Institute for Inner Asian Studies, 2007.
18. Joseph S. Islamic Law on Peasant Usufruct in Ottoman Syria. 17th to Early 19th Century. Studies in Islamic Law and Society. Vol. 35. Leiden, the Netherlands: Brill, 2012.
19. McChesney R.D. Waqf in Central Asia. Four Hundred Years in the History of a Muslim Shrine, 1480–1889. Princeton, 1991.
20. Morrison A. Amlākdārs, Khwājas and Mulk Land in the Zarafshan Valley after the Russian Conquest / Explorations in the Social History of Modern Central Asia (19th – Early 20th Century) / Ed. by Paolo Sartori. Leiden–Boston: Brill, 2013. P. 23-64.
21. Sartori P. Visions of Justice. Leiden, the Netherlands: Brill, 2016.
22. Schwarz F. Contested Grounds: Ambiguities and Disputes over the Legal and Fiscal Status of Land in the Manghit Emirate of Bukhara // Central Asian Survey. Vol. 29. No. 1, 2010. P. 33–42.

Қ. Якубов

Хоразм солиқ тизимида вақф ерлари (XIX аср охири – XX аср бошлари)

Марказий Осиё, хусусан, Хива хонлигининг Қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги давридаги вақф мулкчилиги тарихи мулкий муносабатлар ва солиқ тизими контекстида ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаган масалалардан ҳисобланади. Айниқса, вақф ерларининг фискал мақоми ва олди-сотди амалиётларига тортилиш сабаблари борасида бирламчи манбалар таҳлили асосидаги илмий хулосалар деярли билдирилмаган. Бунга сабаб сифатида вақф (шунингдек, хусусий ёки давлат) ери устида мураккаб кўринишга эга турли мулкий муносбатларнинг шаклланган ва ушбу жараённи қайта тиклаш имконини берувчи тарихий ҳужжатларнинг ҳозирга қадар тўлиқ етиб келмаганини кўрсатиш мумкин. Биз томондан аниқланган вақф ерларининг олди-сотдиси билан боғлиқ ҳужжатлар ва уларнинг бошқа қозилик актлари ҳамда Усмонийлар империяси мулкий муносабатлар тарихи билан ўзаро қиёсий таҳлили вақф ерларининг солиқ субъекти бўла олиши ва улар устидаги мулкий эгалик ҳуқуқининг сотиш мумкинлиги ҳақидаги хулосага олиб келди. Шунингдек, вақф ерлари бўйича солиқларни тўлаш ва давлат олдидаги мажбуриятларни бажариш одатда ердан фойдаланувчи шахс (ижарачи, коранда) зиммасида эканлиги манбавий далиллар асосида аниқланди.

Калит сўзлар: *солиқ тизими, Хоразм, Қўнғиротлар сулоласи, Хива хонлиги, вақф ерлари, амала ва сукния, тархонлик ёрлиқлари, Усмонийлар империяси, солиқ ва мажбуриятлар.*

Қ. Якубов

Вакуфные земли в налоговой системе Хорезма (конец XIX – начало XX вв.)

В Центральной Азии, в частности в Хивинском ханстве, в период правления Кунгратской династии история вакуфной собственности в контексте имущественных отношений и налоговой системы является

одним из вопросов, до сих пор не до конца изученных. В частности, практически отсутствуют научные выводы, основанные на анализе первоисточников, относительно финансового состояния вакуфных земель и их купли-продажи. Это объясняется тем, что на вакуфных (в том числе, частных и государственных) землях складывались различные имущественные отношения сложного характера и не все исторические документы, позволяющие реконструировать этот процесс, дошли до наших дней. Сравнительный анализ выявленных нами документов, связанных с продажей вакуфных земель, и других судебных актов, а также истории имущественных отношений в Османской империи позволил сделать вывод о том, что вакуфные земли могли быть объектом налогообложения и собственности и могли быть проданы. Также на основе первоисточников было установлено, что уплата налогов на вакуфные земли и выполнение обязательств перед государством обычно являлись обязанностью землепользователя (арендатора, издольщика).

Ключевые слова: *налоговая система, Хорезм, династия Кунгратов, Хивинское ханство, вакфные земли, амала и сукния, тарханные ярлыки, Османская империя, налоги и повинности.*

Q. Yakubov

Waqf lands in the tax system of Khorezm (late XIX – early XX centuries)

In Central Asia, particularly in the Khanate of Khiva, the history of waqf property in the context of property relations and tax system during the Qonghrat dynasty is one of the issues still not fully explored. In particular, almost no scientific conclusions based on the analysis of primary sources regarding the financial condition of the waqf lands and the reasons for participation in the practice of selling have been reported. This can be explained by the fact that various property relations of a complex nature were formed on waqf (as well as private and state) lands, and not all historical documents allowing to reconstruct this process have survived to our days. The comparative analysis of the documents we have identified related to the sale of waqf lands and other judicial acts, as well as the

history of property relations in the Ottoman Empire allowed us to conclude that waqf lands could be an object of tax and ownership and could be sold. Also on the basis of primary sources it was established that payment of taxes on waqf lands and fulfilment of obligations to the state is usually an obligation of the land user (tenant, sharecropper).

Key words*: tax system, Khorezm, Qonghrat dynasty, the Khanate of Khiva, waqf lands, 'amala and sukniya, tarkhan yarliqs, the Ottoman Empire, taxes and duties.*

Х. Абдурасулов

Из истории караван-сараев Туркестанского генерал-губернаторства

Караван-сараи занимали важное место во внутренней и внешней торговли на протяжении многих веков мусульманского Востока, и в частности, Центральной Азии. На протяжение долгого исторического периода со времен Диваштича (годы правления 706–722 н.э.) до начала XX века караван-сараи на территории Туркестанского генерал-губернаторства выполняли множество функций: от гостиничного двора и почтовых станций [10: 138], до складов товаров оптовых торговцев и места сбора[1] и обмена информацией о различных событиях политического, торгово-экономического и социокультурного характера. Например, знаменитая советская и отечественная ученая Л.Ю.Маньковская (1932–1988) ссылаясь на известного средневекового историка Ибн Хаукаля (X в.) пишет, что в караван-сараях X в. находились стационарные ремесленные мастерские, служившие также жилищем ремесленника [7: 195]. Далее известная ученая и искусствовед, на основе своих источников, характеризует караван-сараи как «… подворья чисто гостиничного назначения, они назывались местным термином – караван-сарай» [10: 138–139]. О размерах средневековых караван-сараев автор пишет, что «подворья

[1] Достаточно вспомнить путешествие А.Вамбери в обличие дервиша по странам мусульманского Востока в начала 60-х гг. XIX в.

Бизнинг муаллифлар

1. **Азимов Хуршид Хакимович –** тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути катта илмий ходими.
2. **Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути кичик илмий ходими.
3. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Базарбаев Акмал Муратович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
5. **Жўраев Жалолиддин Олимжонович –** филология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.
6. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.
7. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна –** тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути директори ўринбосари.
8. **Маҳмуд Ҳасаний –** тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.

9. **Муҳаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
10. **Турсунов Рустам Миршоҳидович –** мустақил тадқиқотчи, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги масъул ходими.
11. **Усмонов Иброҳим Собирович –** тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти.
12. **Хуснутдинов Филипп Романович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
13. **Эшонова Салимахон Нишонбек қизи** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ мумтоз адабиёти бўлими мудири.
14. **Якубов Қахрамон Каримджанович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

Наши авторы

1. **Азимов Хуршид Хакимович –** доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
2. **Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич** – младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – Младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Базарбаев Акмал Муратович** – доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
5. **Джураев Джалолиддин Алимджанович** – доктор филологических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, ведущий научный сотрудник Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна –** доктор исторических наук, профессор, заместитель директора Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Махмуд Хасани –** доктор исторических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.

9. **Мухаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** кандидат исторических наук, страший научный сотрудник Института вотоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
10. **Турсунов Рустам Миршахидович –** независимый исследователь, ответственный сотрудник Министерства экологии, охраны окружающей среды и изменения климата Республики Узбекистан.
11. **Усманов Ибрахим Сабирович** – кандидат исторических наук, доцент, докторант Института вотоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
12. **Хуснутдинов Филипп Романович –** младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
13. **Эшонова Салимахон Нишонбек кизи** – кандидат филологических наук, заведующий отделом Классической восточной литературы Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
14. **Якубов Кахрамон Каримджанович** – доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Akmal M. Bazarbaev** – PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
2. **Djaloliddin A. Djuraev** – Doctor of Philology, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
3. **Filipp R. Khusnutdinov –** Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Ibrahim S. Usmanov –** PhD in History, Associate Professor, doctoral student at the Institute of Current Studies named after Abu Raikhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Khurshid Kh. Azimov –** PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
6. **Khushnud A. Abdurasulov** – Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
7. **Laziza A. Alimova** – Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Mahmud Hasaniy** – Doctor of History, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
9. **Natalya E. Karimova** – Doctor of History, Professor, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

10. **Qahramon K. Yakubov** – PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
11. **Rustam M. Tursunov –** Independent Researcher, Responsible Employee of the Ministry of Ecology, Environmental Protection and Climate Change of the Republic of Uzbekistan.
12. **Saidakbar A. Muhammadaminov –** PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
13. **Salimakhon N. Eshonova** – PhD in Philology, Senior Research Fellow, Head of the Department of the Classical Literature of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
14. **Surayyo U. Karimova –** Doctor of History, Professor, Deputy Director of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.